

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
МАРКАЗИ
“ПЛЕМЭЛИТА” ИИБ ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 636. 088.3.591.176

ЮСУПОВ АЗИЗ РУСТАМОВИЧ

**ТУРЛИ ЭТОЛОГИК ТИПЛАРГА МАНСУБ СУР РАНГЛИ
ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ ИНТЕРЬЕР ВА МАҲСУЛДОРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

06.02.04- хусусий зоотехния: чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш технологияси

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2012

Иш Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот
институтида бажарилган

Илмий раҳбар: қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Бобоқулов Насилло Асадович

Расмий тақризчилар: қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
профессор **Қахаров Абдусаттор Қахарович**

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
Джасимов Фияз Джасимович

Етакчи ташкилот: Самарканд қишлоқ хўжалик институти

Диссертация ҳимояси “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик
илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Д.020.33.01 рақамли бирлашган
ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «_____» соат _____да ўтадиган
мажлисида бўлади. Манзил: 112 212, Тошкент вилояти, Қибрай тумани,
“Қизил шалола” п/б. Факс: (8-370) 95-65-335. E-mail: info@animal.uz

Диссертация билан “Плем элита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик илмий-
тадқиқот институти кутубхонасида ва www.uzanimal.uz сайтида танишиш
мумкин.

Автореферат 2012 йил «_____» _____да тарқатилди.

Д.020.33.01 рақамли бирлашган
ихтисослашган Кенгаш илмий
котиби, б.ф.н.

Б.У. Насириллаев

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.

Ишнинг долзарблиги. Ҳайвонлар маҳсулдорлиги, қайта урчитиш хусусиятлари, ўсиши ва ривожланиши уларнинг нерв-рефлектор фаолиятлари билан яъни ҳайвонлар ҳулки билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу хусусият маълум уч типдаги олий нерв фаолиятига ажратилади. Бу типларга мансуб ҳайвонлар ўзига хос таъсирланиш, тормозланиш жараёнларига, шартли рефлекслар ҳосил қилиш хусусиятига эга

Қорақўлчиликда аниқланганки, қўйларнинг ҳўжаликбоп, биологик хусусиятлари уларнинг ранги билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида ранг ҳайвонлар конституциясининг мустаҳкамлиги, ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигини ҳам кўрсатувчи фактордир (В.И. Стояновская, 1966; Гигинейшвили Н., 1978; Юсупов С.Ю., 1991). Қора рангдаги қорақўл қўйларидан фарқли ўлароқ, рангли қорақўл қўйлар, хусусан сур қўйлар тирик вазнининг пастроқ бўлиши, ички органларининг ривожланиш суръатининг пастлиги секлет тизимининг нозиклиги, жун маҳсулдорлигининг пастлиги билан ажралиб турсаларда, бўрдоқига боқишда ўсиш суръатлари бўйича қора рангдаги қўйларга нисбатан устунроқ бўлишади.

Юқорида фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, турли этологик типларга мансуб сур қорақўл қўйларини ҳулкий атворларининг ўсиш, ривожланиш, маҳсулдорлик ва интерьер кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ҳозирги кунгача қорақўлчиликда сур қўйларга мансуб ҳайвонлар билан уларнинг ҳулкий кўрсаткичлари (озукланиш, жинсий, маҳсулдорлик) шунингдек, турли ҳулкий типларга мансуб ҳайвонлар интерьер хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу билан биргаликда, сур қўйлар сурувларининг ёшлари бўйича типологик структурасини аниқлаш, яйлов шароитида ҳайвонларнинг сутка мобайнидаги этологик реакцияларининг намоён бўлиш ритмини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация ишининг ИТИ режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши 2006-2008 йилларда ЎзҚЧЭИТИ да бажарилган А-6-106 грант лойиҳаси тадқиқот ишларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотлар мақсади: Турли этологик типларга мансуб сур рангли қорақўл қўйларини яйлов шароитида асрашда интерьер ва маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш тадқиқотларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари:

- сур рангли қўйларни этологик типларга ажратиш (тестлаш);
- сурувнинг типологик структурасини аниқлаш;
- ҳайвонларнинг ўтлаш, озуқа қабул қилиш, озуқаларни ҳазм қилиш суткалик этограммасини ўрганиш;
- ҳайвонлар қайта урчиш функцияларини баҳолаш;

- хайвонлар тирик вазнларини, сут, жун маҳсулдорлигини, кўзилар тери сифатини ўрганиш;
- тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқот манбаи ва предмети: Турли этологик типларга, физиологик ва ишлаб чиқариш гуруҳларига мансуб-қисир, бўғоз, эмизикли сур арнгдаги қорақўл қўйлари, туғилганидан 18 ойлигигача бўлган кўзилар.

Тадқиқот гипотезаси: Яйлов шароитида боқилаётган турли этологик типларга мансуб сур қорақўл қўйлари маҳсулдорлик ва интерьер хусусиятларининг намоён бўлишини ўрганиш.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- сур рангли қорақўл қўйлариининг типологик структураси;
- турли тип хулқ-атвордаги қўйлар ҳаёт фаолияти этограммаси;
- турли хулқ-атвордаги хайвонларнинг озиқланиш, жинсий, маҳсулдорлик хусусиятлари ва хайвонлар интеръери;
- турли этологик типларга мансуб кўзиларнинг ўсиши ва ривожланиши.

Илмий янгилиги. Ўзбекистоннинг чўл-яйлов қорақўлчилигида биринчи бўлиб турли этологик типларидаги сур рангдаги қорақўл қўйлариининг маҳсулдорлик ва интерьер хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар турли этологик хусусиятларга эга хайвонлар маҳсулдорлигини баҳолаш, хайвонлар хулқ-атвори ва маҳсулдорлик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижасида сур рангдаги қорақўл қўйлари этологик типлари аниқланди, сурувлар типологик структураси аниқланди ва ундан амалиётда фойдаланиш соҳа самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Тадқиқот натижалари Навоий вилояти, Нурота туманидаги “Ф. Хўжаев” номли қорақўлчилик ширкат хўжалигида жорий қилинган.

Ишнинг синовдан ўтганлиги: Диссертция ишининг асосий натижалари муҳокамадан ўтказилди.

- ЎзҚЧЭИТИ озиқлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш бўлими мажлисларида (2009-2011);
- “Чўл-яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари” Республика илмий-амалий конференциясида (Самарқанд, 2009)
- “Чўл яйлов чорвачилиги генофондидан экологик жиҳатдан мутаносиб фойдаланиш муаммолари” Республика илмий-амалий конференциясида (Самарқанд, 2010);
- ЎзҚЧЭИТИ Илмий Кенгаши мажлисларида (2011);
- Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтадиган илмий семинарда (2012 й).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 тавсиялар ва 5 илмий мақолалар, шулардан 3 таси илмий журналларда чоп қилинган.

Ишнинг ҳажми ва структураси. Диссертация иши 110 бет компьютер матнида ёзилган ва кириш, адабиётлар таҳлили, тадқиқотлар материаллари ва услублари, хусусий тадқиқот натижалари, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар қисмларидан иборат. Тадқиқот натижалари 42 жадвал, 9 расм ва 1 схемада умумлаштирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 117, шу жумладан 5 хорижий манбалардан иборат.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

2.1. Тадқиқот материаллари ва услублари. Тадқиқотлар 2007-2009 йилларда Навоий вилояти, Нурота тумани, Ф.Хўжаев номи қорақўлчилик ширкат хўжалигида бажарилди (Схема 1). Тадқиқот объектлари сифатида турли гуруҳларга мансуб сур рангдаги қорақўл қўйлари хизмат қилди (бўйдоқ, бўғоз совлиқлар, туғилганидан 18 ойликкача бўлган қўзилар).

Тажрибалар схемаси



Ҳайвонларни ўтлатиш даврда уларни этологик типларга ажратиш тестлаш орқали ЎзҚЧЭИТИда ишлаб чиқилган услубдан фойдаланилди (Н.А. Бобоқулов., С. Ю. Юсупов., Н.В. Макаров, В.В. Попова ва бошқалар, Ўз Р Патенти, № АР 03.073. 2006). Ҳаракатланиш-озикланиш реакциясини ўрганишда Д. Беляев, В. Мартиноваларнинг (1973), В.С. Заритовский, М. И.Лиев ва бошқалар (1990) томонидан такомиллаштирилган услубидан фойдаланилди. Сурувнинг типологик структураси (%) турли ҳулққа мансуб ҳайвонлар нисбати бўйича аниқланди.

Тадқиқотларда қуйидаги этологик услублар қўлланилди (Великжанин В.И., 1975):

- турли ҳулқий ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш имконини берувчи узлуксиз ва тўлиқ қайд қилиб боришга асосланган “умумий” протоколлаш усули;

- маълум ҳулқий ҳолатларни регистрациялаш усули. Бу услубнинг ҳайвонлар айрим ҳолатлари ритминини аниқлаш, алоҳида ҳаракат частотаси ва давомийлигини баҳолаш имонини беради.

Функционал фаоллик этограммаси (ўтлаш, кавш қайтариш, ҳарорат фаоллиги, тинчланиш) узлуксиз 3 кун давомида ($n=3$) бўйдоқ, бўғоз, эмизикли қўйлар ва турли ёшдаги қўзиларнинг ўтлаш вақтида қайд қилинди (куннинг ёруғ даврида, 10 соат).

Ҳайвонларнинг у ёки бу озуқавий ҳолатларини баҳолаш функционал фаоллик индекси орқали қуйидаги формула $T = t_1 / t_2$ бўйича баҳоланди. Бу ерда t_1 - функционал фаоллик вақти, t_2 - умумий кузатиш вақти.

Йил мавсумлари бўйлаб озуқабоп ўсимликлар ҳосили аниқланади (Л.С. Гаевская, Н. Салманов, 1975), ўсимликлар таркибидаги протеин, ёғ, клетчатка АЭМ миқдорлари аниқланди (Лукшин Н.А., Тащилин В.А., 1965; П.Г. Лебедев, А.Т. Усович, 1976; В.А. Разумов, 1982; Г. Литовченко ва бошқалар).

Совлиқларнинг қайта урчиш функцияларини уларнинг куйга келиш даражасини аниқлаш орқали, оталаниш ва серпуштлик хусусиятлари ҳар 100 бош совлиқлардан олинган қўзилар салмоғини аниқлаш, авлодлар сифати 1-3 кунлик қўзиларни бонитировкалаш орқали, қўзилар экстеръери, тана тузилиш индекси, ўлчамлар олиш орқали ($n=10$) ўрганилди. Қон таркибидаги эритроцитлар, лейкоцитлар сони Горяев камерасида, гемоглабин-гемометрда, умумий оксил Къельдаль (1976) усулида, қондаги қанд миқдори М. Самоджи усулида, кислота ҳажми- Неведов А.П. (1967) усулидан фойдаланиб аниқланди. Ички органларнинг ривожланишини юрак, жигар, ўпка, талок, буйраклар, мураккаб ошқозон қисмлари, ингичка ва йўғон ичак узунлиқларини 4,8 ва 15 ойлик қўзиларни сўйиш орқали ўрганилди (27 бош).

Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳайвонлар учун қилинган харажатлар ва улардан олинган даромадларни таққослар орқали баҳоланди. Маълумотлар вариацион статистик услубларда қайта ҳисобланди (Н.А. Плохинский, 1967).

2.2. Поданинг типологик структураси. Сур қўйлар подасининг типологик структурасини ўрганиш учун қўзилар оналаридан ажратилганларидан сўнг турли ёшларда (бир ёш, бир ярим ёш ва вояга етган 3-4 ёшларида) тестдан ўтказилди. Тестлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

**Турли ёшдаги сур қоракўл қўйлар подасининг
типологик структураси, %**

Ёши, ой	Ҳайвонлар сони, бош	Хулқ-атвор типлари					
		1		2		3	
		Бош	Фоиз	Бош	Фоиз	Бош	Фоиз
5,5-6,0	247	92	37,2	86	34,8	69	28,0
12,5-13,0	239	96	40,2	81	33,9	62	25,9
17,5-18,0	241	101	41,9	87	36,1	53	22,0
3-4	273	126	46,1	84	30,8	63	23,1

Тестлаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳайвонлар ёши улғайган сари ҳайвонлар типлогик нисбатлари ўзгариб боради ва уларнинг 18 ойлигида 1 - типга мансуб ҳайвонлар салмоғи 42%, 2 - типга мансуб ҳайвонлар салмоғи 36% ва 3 - типга ҳайвонлар салмоғи-22% бўлиши қайд этилди. Ҳайвонлар вояга етган (3-4 ёшли) даврда типологик жиҳатдан ҳайвонлар стабиллашиб ва қуйидаги нисбатларда бўлиши кузатилди: 1-тип-46,0%, 2-нчи тип-31,0% ва 3 нчи тип-23, 0%.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, пода структурасининг хулқий типлар бўйича шаклланиши ёш бўйича типлараро бўйича маълум ўзгаришлар орқали содир бўлиб, улар ёши улғайган сари 1-типга мансуб ҳайвонлар сони ортиб боради.

**2.3. Совлиқларнинг қочириш олди ва қочириш давридаги
кўрсаткичлари.**

2.3.1. Совлиқларнинг суткалик этограммаси. Пода структурасида турли хулқий типларга мансуб ҳайвонлар бўлганлиги сабабли қиёсий равишда уларнинг суткалик этограммаси яйловда ўтлатиш даврида ўрганилди. Ўтказилган хронометраж натижасида турли хулқий типларга мансуб ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Чунончи, 1-типга мансуб ҳайвонларнинг бошқаларига қараганда яйлов озукасини жадалроқ истеъмол қилишлари, озиқланишга кўпроқ (68,0%) иккинчи (61,0%) ва учинчи типга нисбатан (58,0%) вақт сарфлашлари аниқланди. Кавш қайтариш жараёни ҳам 1 -тип ҳайвонларида бошқаларига қараганда ўзининг давомийлиги билан ажралиб туриши кузатилди.


Харакатланиш фаолияти ва фойдасиз вақт ўтказиш ҳолатлари иккинчи, айниқса учинчи типга мансуб ҳайвонларда кўпроқ кузатилди.

2.3.2. Озиқланиш хулқи. Хронометраж кузатувлари олиб борилганида ҳайвонларнинг яйлов озукасини истеъмол қилиш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди (2 - жадвал).

Қўйларнинг яйлов озукаларини истеъмол қилиш даражаси.

Хулқ типи	Тажрибадаги хайвонлар тирик вазни, кг	Cv	Куруқ озуқа истеъмол қилинди	
			г/бош (M±m)	1 кг тирик вазнга, г (M±m)
1	41,4±0,27	1,13	1656±51,7	40,0±1,16
2	39,6±0,41	1,79	1465±20,3	37,0±1,20
3	38,3±0,36	1,63	1383±45,6	36,1±1,16

Биринчи типга мансуб хайвонлар 2 -типга мансуб хайвонларга нисбатан 13,0%, учинчи тип хайвонларига нисбатан 19,5%, ҳар бир кг тирик вазн ҳисобига бошқа типга мансуб хайвонларга нисбатан 8,1% ва 11,1% кўпроқ озуқа истеъмол қилишлари аниқланди. Биринчи типга мансуб хайвонларнинг яйлов озукасидан самаралироқ фойдаланишларини уларнинг тирик вазнлари кўрсаткичларидан ҳам билиш мумкин (1-расм).



1- Расм. Турли этилогик типларга мансуб хайвонларнинг куз мавсумидаги тирик вазн динамикаси.

2.3.3. Совлиқларнинг куйга келиш жадаллиги ва уларнинг уруғланиш даражаси.


Бу йўналишдаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли типларга мансуб хайвонларнинг куйга келиш даражалари деярли бир хилда кечади. Агар, 1 -типга мансуб хайвонларнинг куга келиш даражалари икки йил кузатиш давомида 67,3-69,5% бўлиши аниқланган бўлса, бу кўрсаткич 2 ва 3 типлардаги хайвонларда мутаносиб равишда 53-61 ва 48,4-50,5% ни ташкил қилди. Уларнинг уруғланиш даражаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, мавсум бўйича хайвонларнинг қайта урчиш хусусиятлари турли типларда турича бўлиши кузатилди. Биринчи гуруҳга мансуб хайвонларнинг 2 йил мобайнидаги уруғланиш даражаси 94,7-96,0% ни, 2-нчи тип хайвонларида 91,1-90,0% ни ва 3-нчи тип хайвонларида -85,7-87,0% бўлиши аниқланди.

2.3.4. Турли типдаги совлиқларнинг интерьер хусусиятлари

Гематологик кўрсаткичларни ўрганишдан олинган маълумотларга кўра турли типларга мансуб сур она қўйлар қони таркибидаги эритроцитлар миқдори 1 тип ҳайвонларда 9,89 млн/мм³ ни, 2 ва 3 типларда бу кўрсаткич мутаносиб равишда 9,37 ва 8,90 млн/мм³ ни ташкил қилди. Худди шунга ўхшаш маълумотлар қон таркибидаги лейкоцитлар миқдори бўйича ҳам қайд этилди.

2.4. Бўғоз совлиқлар кўрсаткичлари

2.4.1. Ўтлаш этограммаси яйлов озукасини истеъмол қилиш ва фойдаланиш. Турли йўналишдаги қўйчиликда ҳайвонларнинг бўғозлик даври уларни уруғлантиришдан бошланиб, зоти, ёши, организм ҳолатига қараб 147-157 суткани ташкил қилади. Шу боис, озиқланиш фаоллиги бўйича ўтказилган хронометраж кузатишлари ҳайвонлар орасидаги маълум фарқланишларни, жумладан ўтлаш бўйича мавжуд тафовутларни аниқлаш имконини берди (2-расм).



2-расм. Турли этологик типдаги ҳайвонларнинг ўтлаш ритмидаги функционал фаоллиги

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, энг яхши озиқланиш фаоллиги биринчи ва иккинчи типга мансуб ҳайвонларда кузатилади. Турли этологик типлар орасидаги ўтлаш давомийлиги бўйича бўлган фарқ бошқа хусусият, яъни кавш қайтариш хусусияти бўйича ҳам намоён бўлди, яъни кавш қайтаришнинг узоқ давомийлиги биринчи икки типга мансуб ҳайвонларда кузатилди-12,7 ва 11,8 %, 3-нчи типга мансуб ҳайвонларда бу кўрсаткич куннинг ёруғ қисмининг 10,5 фоизини ташкил қилди.

Маълумки, бўғозликнинг турли даврларида кузги-қишки ва баҳорги яйловларнинг ҳолатига қараб ҳайвонлар тирик вазнларида турлича ўзгаришлар содир бўлади. Ҳайвонлар ҳолати қанча ёмон бўлса, уларда озиш ҳолати кучлироқ рўй беради (3-жадвал).

**Бўғозлик даврида турли типларга мансуб совлиқлар
тирик вазнининг ўзгариши**

Хулқ- атвор типи	Ойлар бўйлаб тирик вазни, кг $M \pm m$				Туғишдан кейинги массаси, кг	Қиш даврида масса йўқотиш	
	Декабр (2-6)	Январ (3-5)	Феврал (2-4)	Март туғишдан олдин (10-13)		кг	%
1	38,80,38	38,40,38	37,80,28	39,10,33	33,00,24	5,8	14,9
2	38,00,41	37,00,40	36,40,31	37,60,29	31,60,32	6,4	16,8
3	37,30,29	35,90,34	35,00,33	37,10,27	30,00,26	7,3	19,6

Маълумотлардан кўришиб турибдики, бир хил шароитда қишловдан ўтишда энг юқори тирик вазн 1 - типга мансуб ҳайвонларда кузатилди. Агарда бу кўрсаткични 100% деб олсак, бу кўрсаткич 2 типга мансуб ҳайвонларда 96,2% ни ташкил қилди.

Бўғозлик даврида тирик вазнининг ўзгариши турли типларда турлича бўлди. Барча кузатиш ойларида энг юқори кўрсаткич 1-типдаги ҳайвонларда кузатилди. Орадаги мавжуд фарқларнинг статистик жиҳатдан ишонарлилиги аниқланди ($P < 0,05 < 0,01$).

2.4.2. Совлиқлар серпуштлиги, авлоднинг сифати, тирик вазни ва синфи. Қўйлардаги серпуштлилиқ зотга мансуб хусусият бўлиб, генетик асосга эга ва шунингдек, маълум даражада уларнинг ёши, конституционал типи, ранги, семизлиги, экологик омиллар ва озикланиш даражаларига ҳам боғлиқ.

Турли хулқ-атворли совлиқлар серпуштлиги

Хулқ- атвор типи	Уруғлантирилган совлиқлар, бош	Қўзилаган совлиқлар		Тирик қўзи олинди, бош	100 бош совлиқдан олинган қўзи	Эгизлилиқ, %
		бош	%			
1	75	58	79,7	64	110	10,0
2	55	40	76	42	105	5,0
3	43	25	69	25	100	-

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, серпуштлик бўйича энг юқори кўрсаткич 1 -типга мансуб ҳайвонларда кузатилди. Уларнинг ҳар 100 бошидан 110 бош қўзи олинган бўлса, бу кўрсаткич 2 экологик типда 105 қўзини ташкил қилди.

Қорақўлчиликда тери сифатини ифодаловчи гул шакли ва ўлчами, уларнинг ривожланиш даражаси, тери сифати, жун қоплами сифатлари йиғиндиси қўзиларнинг синфини билдиради.

Бу кўрсаткич бўйича ҳам турли типлар орасида маълум фарқланишлар мавжудлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Турли ҳулқ-атвор типдаги совлиқлардан туғилган қўзилар синфлари

Хулқ-атвор типи	Синфи, %	
	Элита + 1 синф	2 синф
2007 йил		
1	78,6	21,4
2	74,0	26,0
3	69,3	30,7
2009 йил		
1	85,9	14,1
2	80,6	19,4
3	78,0	22,0

Яйлов шароити қулай бўлган 2009 йилда совлиқлардан кўплаб элита ва 1 синфли қўзилар олинди. Яйлов шароити ноқулай бўлган 2007 йилда элита ва 1 синф қўзилар салмоғи камайиб, сифати паст қўзилар сонининг ортиши кузатилди. Айни шу шароитда 1 тип хайвонлар авлоди бошқа типлар авлодига нисбатан ажралиб туришлари кузатилди.

2.4.3. Бўғоз қўйлар интеръери. Совлиқлар бўғозлигининг турли давраларида турли типларга мансуб хайвонлар қонининг баъзи кўрсаткичлари динамикаси, бўғозликнинг биринчи ва иккинчи даврида қоннинг биокимёвий таркиби ўрганилди.

Аниқландики, бўғозликнинг биринчи даврида ўрганилган гематологик кўрсаткичлар бўғозликнинг иккинчи даврига нисбатан барча типга мансуб хайвонларда ҳам юқори бўлиши аниқланди.

Бўғозликнинг биринчи даврида совлиқлар яйлов озукаси билан нисбатан яхши таъминланган вақтда тирик вазнининг ортиши кузатилди, улар яхши семизлиги шароитида қоннинг таркибидаги эритроцитлар ва гемоглобин миқдори турли типдаги совлиқларда мутаносиб равишда 8,88-8,45 млн/мм³ ва 10,48-10,00 г/% га тенг бўлиши қайд этилди. Бўғозликнинг иккинчи яримида эса ушбу кўрсаткичлар сезиларли даражада пасайди.

2.5. Эмизикли совлиқлар кўрсаткичлари.

2.5.1. Ўтлаш этограммаси, совлиқлар сутдорлиги, қўзиларнинг ўсиши ва ривожланиши. Турли этологик типларга мансуб эмизикли совлиқлар функционал фаоллигининг этограммаси ўрганилди. Олинган маълумотлар 6 жадвалда кўрсатилган.

Турли этологик типдаги эмизикли совлиқлар ўтлаш этограммиси

Хулқ-Атворт типи	Ўтлаш (озикланиш фаоллиги)	Кавш қайтариш	Ҳаракатланиш фаоллиги	Тинч ҳолат
1	53,2	13,8	18,8	14,2
2	47,2	11,8	22,4	18,6
3	43,0	11,0	25,3	21,7
Функционал фаоллик индекси				
1	0,53	0,14	0,19	0,14
2	0,47	0,12	0,22	0,19
3	0,43	0,11	0,25	0,22

Ҳайвонларнинг кавш қайтариш ҳолатини ўрганишда энг узоқ вақт кавш қайтариш этологик 1 тип ҳайвонларида кузатилди.

Ҳаракатланиш фаоллигининг, тинч ҳолати вақт жиҳатидан 1 этологик типда нисбатан анча кам бўлиши аниқланди.

Озикланиш ҳулқининг турлича бўлиши ҳайвонлар тирик вазни, сут маҳсулдорлиги, қўзиларнинг ривожланиш кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Эмизикли совлиқлар тирик вазнларининг ўзгариши 7 жадвалда келтирилган.

Турли этологик типларга мансуб совлиқлар тирик вазнларининг ўзгариш (кг)

Этологик типлар	Ўлчанган ой ва кун			
	Апрел (15-21)	Май (16-19)	Июн (18-21)	Июл (20-23)
1	37,4 ± 0,27	40,3 ± 0,29	42,1 ± 0,33	43,3 ± 0,30
2	35,0 ± 0,31	37,7 ± 0,36	39,5 ± 0,42	40,7 ± 0,37
3	33,3 ± 0,25	36,0 ± 0,24	37,8 ± 0,23	38,7 ± 0,24

Олинган натижалар таҳлили 1 типдаги ҳулқ атвори совлиқларнинг устунлигини кўрсатди.

Биринчи тип ҳайвонларда тирик вазн динамикаси ойлар бўйлаб 2 ва 3 типдаги ҳайвонлар тирик вазнидан 6,4-6,8% ва 11,9-12,3% га юқори бўлиши кузатилди. ($P < 0,001$).

Қўзиларни парваришда оналарининг сут маҳсулдорлиги муҳим ўринни эгаллайди Бу кўрсаткич турли этологик типларда турлича бўлиб, қўзиларнинг туғилишидан уларни оналаридан ажратиш вақтидаги ўсиш ва ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, қўзилар туғилган даврдаёқ тирик вазн жиҳатидан турли типлар орасида фарқланишлар мавжуд бўлган. Барча кузатиш йилларида энг юқори тирик вазн 1 тип оналардан туғилган қўзиларда кузатилди. Сезиларли даражада кичик тирик вазн 2 ва 3 тип совлиқлардан туғилган

кўзиларда (3,9-4,0 кг) кузатилди. Бу ерда 1 тип ҳайвонларидан туғилган кўзилар тирик вазни 2 типга нисбатан 9,7-9,3% га ($P<0,05$), 3 типдаги кўзиларга нисбатан 15,4-17,5% юқори тирик вазнга эга бўлиши кайд этилдиб ($P<0,001$), худди шундай ҳолат кейинги ёш давларида ҳам кузатилди.

2.5.2. Эмувчи кўзилар интеръери. Эмиш давридаги кўзиларнинг баъзи интеръер кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу кўрсаткичлар бўйича ҳам турли этологик типларга мос равишда сезиларли фарқланишлар мавжуд. Туғилганининг дастлабки кунларида, увуз сути билан озиқланиш даврида қон таркибидаги эритроцитлар ва гемоглобин миқдори барча этологик типларга мансуб ҳайвонларда энг юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Аммо гемотологик кўрсаткичларнинг энг юқориси 1-этологик типга мансуб қўйлардан туғилган кўзиларда кузатилди. Бундай фарқланиш кўзиларнинг кейинги ёш давларида ҳам қайд этилди.

2.6. Кўзиларда оналаридан ажратилганидан 18 ойликкача бўлган даврдаги кузатишлар.

2.6.1. Ўтлаш этограммаси, озуқа қабул қилиш ва ҳазмланиш, тирик вазни, экстеръери. Бу йўналишдаги хронометраж тадқиқотлар шуни кўрсатдики, озиқланишга сарфланган вақт 1 этологик типда 55,3, 2 типда- 51,2 ва 3 типда- 45,2 фоизни ташкил қилди.

Озиқланиш фаоллигини турли типларда турлича бўлиши сабабли қавш қайтариш даврининг давомийлиги ҳам турлича бўлиб, 1 типда-10,6, 2 типда 9,3, 3 типда - 9,0 фоизни ташкил қилди.

Куннинг қолган ёруғ даври ҳайвонларнинг ҳаракат фаолияти ва тинчлик ҳолатларига тўғри келиши кузатилди.

Ташқи шароитнинг ўзгаришига ҳайвонлар ўз ҳулқининг ўзгариши билан жавоб қайтаради. Бу даврда барча типлардаги ҳайвонларда озиқланиш фаоллиги узунлиги қисқариб, тинч ҳолат давомийлиги узаяди. Бунда озиқланиш учун 1 - типдаги ҳайвонларнинг 41,3, 2 ва 3 типдаги ҳайвонларнинг эса 35,7-33,4 фоиз вақт сарфлаши аниқланди.

Биринчи ва иккинчи типга мансуб ҳайвонларнинг яйлов озуқасидан унумли фойдаланиши улар тирик вазнларининг ортишига олиб келди.

Ёши 8 ойлик кўзилар тирик вазни 1-тип ҳайвонларида турли йилларда 29,4-31,1 кг ни ташкил қилиб, ёки оналаридан ажратилганларидан сўнг улар вазнига 1,9-2,1 кг қўшилган бўлса, 2 типда бу кўрсаткич 27,0-28,7 ва 1,0-1,7 кг ни, 3-нчи тип ҳайвонларда эса тирик вазн ўсиши шу давр мобайнида 1,0-1,0 кг ни ташкил қилди.

2.6.2. Кўзилар интеръери. Кўзилар қони кўрсаткичлари ва уларнинг маҳсулдорлик ва экстеръер ўлчамлари уларнинг 8 ва 15 ойлигида ўрганилди.

Қон морфологияси бўйича кузда олинган маълумотларга кўра, шунингдек, умумий оксил миқдори бўйича турли этологик типлар орасида фарқланиш ва ўзига хослик мавжуд (8-жадвал).

**Турли этологик типларга мансуб уруғочи қўзилар гематологик
кўрсаткичлари (n=3)**

Хулқ- атвор типи	Кўрсаткич, М±m					
	Эритроцитлар, млн/мм ³	Лейкоцитлар, млн/мм ³	Гемоглабин, г/%	Умумий оқсил, г/%	Қанд мг/%	Кислота ҳажми, мг/%
8 ойлигида						
1	8,88±0,31	7,83 ±0,13	10,48 ±0,30	8,75 ±0,40	50,7 ±1,10	480±8,2
2	8,67±0,28	7,70±0,18	10,27±0,22	8,60±0,34	49,3±0,96	465±9,3
3	8,45±0,24	7,38±0,26	10,00±0,24	8,28±0,28	47,5±1,13	475±10,5
15 ойлигида						
1	7,92±0,19	7,56±0,30	8,90±0,21	7,70±0,11	47,3±1,20	460±8,6
2	7,70±0,30	7,48±0,33	8,70±0,23	7,0±0,12	44,0±1,10	445±9,0
3	7,63±0,27	7,18±0,28	8,00±0,40	6,8±0,18	43,0±0,95	420±4,5

Эритроцитларнинг максимал концентрацияси, кутилганидек, 1 этологик тип ҳайвонлар қонида кузатилди ва бу кўрсаткич 8,32 млн/мм³ ташкил қилиб, 2 типга мансуб қўзиларда бу кўрсаткич 3,1% га паст бўлиб, 8,07 млн/мм³ ни, энг кам кўрсаткич эса 3 - этологик типга мансуб қўзиларда (7,62 млн/мм³ ни ёки 9,18%) қайд этилди.

Худди шундай маълумотлар лейкоцитлар, гемоглабин ва қанд моддалари миқдорлари бўйича ҳам кузатилди.

2.7. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги.

Тадқиқотлардан олинган маълумотлар сур рангли қорақўл қўйларига мансуб турли этологик типлардаги қўйларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконини берди (9 жадвал).

**Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги
(2009 йилда шаклланган нархларда, 1 бош қўй ҳисобига)**

Кўрсаткичлар	Хулқ-атвор типлари		
	1	2	3
Жами харажатлар, сўм	9712,0	9712,0	9712,0
Барча маҳсулот қиймати (тирик вазн ўсиши, жун) сўм	12013,7	11295,0	11188,2
Фойда (+), Зарар (-)	+2301,7	+1583,0	+1476,0
Рентабеллик даражаси, %	23,7	16,3	15,2

Аниқланишича, маҳсулот ишлаб чиқаришга бир хил харажат сарфланиши шароитида турли этологик типга мансуб ҳайвонлардан турли миқдорда маҳсулот олиниб, мутаносиб равишда турли типларда иқтисодий самарадорлик ҳам ҳар хил бўлди. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, қўйчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги (тирик вазн ўсиши ва жун маҳсулоти) 1 - этологик типда 2 ва 3 этологик типларидагига нисбатан юқори бўлиб, рентабеллик даражаси типлар бўйича 23,7, 16,3 ва 15,2 % ни ташкил қилди. Бунини биринчи этологик типдаги ҳайвонларнинг озикланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича, устунлиги орқали изоҳлаш мумкин.

3. ХОТИМА

Асосий хулосалар.

1. Поданинг типлогик структураси ҳайвонлар ёши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳайвонларнинг 3-4 ёшлигида пода тарикбидаги 1- этологик типга мансуб ҳайвонлар салмоғи 42 ва 63 бошни ташкил этиб, 2 ва 3 тип ҳайвонларига нисбатан 15,3 ва 23,0 фоизга кўпроқ бўлади.

2. Ҳаракатланиш фаоллиги ва тинч ҳолат 2 ва 3 этологик типга мансуб ҳайвонларда 1 типга мансуб ҳайвонларга нисбатан давомийлироқ бўлиши аниқланди.

3. Биринчи этологик типга мансуб ҳайвонлар яйлов озуқасини фаоллироқ истеъмол қилиб, ўтлаш учун кўпроқ вақт сарфлаши қайд этилди.

4. Биринчи этологик типга мансуб ҳайвонларда 2 ва 3 типга мансуб ҳайвонларга нисбатан яйлов озуқасини мутаносиб равишда 13,0 ва 19,5 фоизга кўпроқ истеъмол қилиш ҳолати кузатилди.

5. Ҳайвонларнинг хулқ-атвор типлари ва озуқаларни ҳазм қилишлари орасида маълум боғлиқлик мавжуд. Биринчи этологик типга мансуб ҳайвонлар қуруқ ва органик озуқаларни 58,3 ва 59,8 фоиз ҳазм қилган бўлсалар, бу кўрсаткич 2 этологик типда 0,9 ва 1,8 фоизга, 3- этологик типда 3,7 ва 3,8 фоиз га пастроқ бўлди. Протеиннинг ҳазмланиши I - типда 1,7 ва 2,6 фоизга, клетчатканинг ҳазмланиши 2,4 ва 3,2 фоизга 2 ва 3 - тип ҳайвонларига нисбатан юқори бўлди.

6. Турли этологик типга мансуб ҳайвонларнинг куйга келиш даражаси ҳам турлича эканлиги аниқланди. Биринчи этологик типга мансуб ҳайвонларнинг куйга келиши 2 йил мобайнида ўртача 67,3-69,5 ни ташкил этиб, мутаносиб равишда 14,3-8,5 ва 18,9-19,0 фоизга 2 ва 3 тип ҳайвонларидан устунлик қилди.

7. Ҳайвон хулқ-атвор типи ва уруғланиши орасида ҳам боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Биринчи тип ҳайвонларининг уруғланиш даражаси ўртача 2 йилда 94,7 – 96, 0% бўлиб, бу кўрсаткичнинг мутаносиб равишда 2 ва 3 тип ҳайвонларига нисбатан 3,6-6,0% ва 9,0-9,0% га юқори бўлишини кўрсатди.

8. Биринчи типга мансуб ҳайвонлар қони морфологик таркиби жиҳатидан эритроцитлар, лейкоцитлар, гемоглобин ва умумий оқсил моддалари билан яхшироқ таъминланганлиги туфайли улар организмида оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари жадал кечади.

9. Биринчи этологик типга мансуб бўғоз совлиқлар нисбатан юқори озикланиш фаоллигига эга. Улар ўртача суткасига 1452 г/бош яйлов озуқасини истеъмол қилиб, бу кўрсаткичнинг 2 ва 3 тип ҳайвонларига нисбатан 5,7 ва 12 фоиз га юқори эканлиги аниқланди.

10. Ҳайвонларнинг сут маҳсулдорлиги ва уларнинг хулқ-автор типлари орасида узвий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Лактация даврининг 20-30 кунларида энг юқори сут маҳсулдорлик I типга мансуб ҳайвонларда кузатилиб, унинг мутаносиб равишда 2 ва 3 типларга нисбатан 40-65 г ва 108-115 г кўп бўлиши аниқланди.

11. Хайвонларнинг жун маҳсулдорлиги ҳам уларнинг хулқ-атворлари билан узвий боғлиқ. Жун маҳсулдорлиги I тип хайвонларида 1 йилда ўртача 1671 г ни ташкил қилиб, бу кўрсаткичнинг 2 ва 3 типдаги хайвонлар жун маҳсулдорлигидан мутаносиб равишда 8,7 ва 16,4 % га юқори эканлиги аниқланди.

Ишлаб чиқаришга тавсиялар.

Сур отарларни шакллантиришда хайвонларни уларнинг хулқ-атвори типларига қараб ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Бунда тез ҳаракатланувчан, озукани фаол истеъмол қиладиган, фаол темпираментли хайвонларга эътиборни қаратиш лозимки, бу гушт ва жун ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли ошириш имконини беради.

Мавзу бўйича эълон қилинган мақолалар рўйхати

1. Бобокулов Н.А., Юсупов А.Р., “Сур рангли қоракул қўйлар сурувининг табиий (этологик) турлари бўйича таркиби”. Ж. «Зооветеринария» № 3 2008 г.с. 35.
2. Бобокулов Н.А., Арипов У. Х, Попова В. В, Юсупов А.Р., Рафиев Б., Турсунов Я. “Фермер хўжаликлари шароитида қоракул қўйларининг муътадиллаштирилган озиклантириш технологияси”. Ўзбекистон қоракулчилик ва чул экологияси илмий –тадқиқот институти, 2009, 15 б.
3. Бобокулов Н.А., Юсупов А.Р, Турсунов Я.А. “Қоракул қўйларининг 6,5-7,5 ойлик қўзиларини турғун озиклантириш” Ж. «Зооветеринария» № 5 2009 г. с. 37-38.
4. Юсупов А.Р., Бобокулов Н.А., “Махаллий озук ресурсларидан фойдаланиб озиклантиришни муътадиллаштириш”, Ж. “Зооветеринария”, 2010 1 январ, № 1 с.41-42.
5. Юсупов А.Р., Бобокулов Н.А., “Стрессоустойчивость молодняка каракульских овец разных этологических типов при их откорме”, “Чуляйлов чорвачилиги генофондидан экологик жихатдан мутаносиб фойдаланиш муаммолари”. Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. Самарканд 2010. УзКЧЭИТИ. с. 33-34.
6. Бобокулов Н.А., Юсупов А.Р., “Интерьер овцематок разных типов повения”, Четвёртая международная научная конференция.”Мониторинг распространения и придотвращения особо опасных болезней животных и птиц”. Сборник материалов конференции. Самарканд. 2011 Уз НИИВ. с. 305-306.

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига талабгор А. Р. Юсуповнинг 06.02.04 – хусусий зоотехния; чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси ихтисослиги бўйича «Турли этологик типдаги сур қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик ва интерьер хусусиятлари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: қорақўл қўйлари, сур ранги, этологик типлар, этограмма, интерьер, физиологик ҳолат, функционал фаоллик, ўсиш, ривожланиш, маҳсулдорлик.

Тадқиқот объектлари: турли ёш гуруҳлари ва этологик типлардаги тоза зотли сур рангли қорақўл қўйлари ва қўзилари.

Ишнинг мақсади: яйлов шароитида боқиладиган турли этологик типдаги сур рангли қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик ва интерьер хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: зоотехник, этологик, биологик, статистик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: яйлов шароитида биринчи бор турли этологик типдаги сур рангли қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик ва интерьер хусусиятларининг ўхшашлик ва тафовутланиш хусусиятлари ўрганилди. Биринчи типдаги қўйлар ва улар авлодларининг яйлов озуқаларидан фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш, маҳсулдорлик, интерьер хусусиятлари, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари бўйича афзалликлари илмий асосланди. Тадқиқотларда мазкур типдаги қўйлар 2 ва 3 типдаги қўйлардан пушторлиги бўйича 5-10%, озуқавий фаоллиги бўйича 5,7-12,0%, суткалик сут маҳсулдорлиги бўйича 40-115 г, жун маҳсулдорлиги бўйича 8,7-16,4% га устун бўлиб, улар қони эритроцитлар, лейкоцитлар, гемоглобин ва умумий оқсил билан қўпроқ туйинганлиги аниқландики бу улар организмда оксидланиш-тиклаш жараёнларнинг фаол кечишидан далолат беради.

Амалий аҳамияти: селекцион ишларни олиб боришда қорақўл қўйларини этологик дифференциациялаш яйлов озуқаларидан яхши фойдаланиш ва тўйимли моддалардан самарали ўзлаштириш ҳисобига гўшт, жун ва сут маҳсулдорлигини кўпайтириш, рентабеллик даражасини 7,4-8,5% га ошириш имконини беради.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларини барча қорақўлчилик хўжаликларида самарали жорий этиш мумкин. Ҳозирги кунда улар Навоий вилоятининг «Истиклол» (собик Ф. Хўжаев номли) қорақўлчилик хўжалигида кенг жорий этилган бўлиб, ҳар 1 бош қўйдан 1476,2-2301,7 сўм қўшимча даромад олишни таъминлаб келмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигининг қорақўлчилик тармоғи.

РЕЗЮМЕ

диссертации А. Р. Юсупова на тему: «Продуктивные и интерьерные особенности каракульских овец сур разных этологических типов» на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук по специальности 06.02.04 – частная зоотехния; технология производства продуктов животноводства.

Ключевые слова: каракульские овцы, окраска сур, этологические типы, этограмма, интерьер, физиологическое состояние, функциональная активность, рост, развитие, продуктивность.

Объекты исследования: чистопородные каракульские овцы и ягнята окраски сур разных этологических типов и возрастных групп.

Цель работы: изучение продуктивных и интерьерных особенностей каракульских овец сур разных этологических типов в условиях пастбищного содержания.

Методы исследования: зоотехнический, этологический, биологический, статистический.

Полученные результаты и их новизна. Впервые в условиях пастбищного содержания были изучены и выявлены сходства и различия продуктивных и интерьерных особенностей каракульских овец сур разных этологических типов. Научно обосновано превосходство овец и потомков первого этологического типа по использованию и усвоению пастбищных кормов, продуктивным, интерьерным особенностям, показателям роста и развития. Исследованиями установлено, что овцы данного типа имеют превосходство над овцами 2 и 3 типов по пищевой активности на 5,7-12,0%, плодовитости на 5-10%, суточной молочной продуктивности на 40-115 г., шерстной продуктивности на 8,7-16,4%, они имели лучшую насыщенность крови эритроцитами, лейкоцитами, гемоглобином, общим белком, что свидетельствует о лучшем протекании в их организме окислительно – восстановительных процессов.

Практическая значимость: применение этологической дифференциации каракульских овец в ведении селекционной работы способствует за счет лучшего использования пастбищных кормов и эффективного усвоения питательных веществ увеличить мясную, шерстную и молочную продуктивность, повысить уровень рентабельности на 7,4-8,5%.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследований можно успешно внедрить во всех каракулеводческих хозяйствах. В настоящее время они эффективно внедряются в каракулеводческом хозяйстве «Истиклол» (бывшее им. Ф. Ходжаева) Навоийской области и обеспечивает получение дополнительной прибыли с 1 овцы в размере 1476,2-22301,7 сум.

Область применения: каракулеводческая отрасль сельского хозяйства Республики Узбекистан.

RESUME

Thesis of Yusupov A. R. On the scientific degree competition of the candidate of sciences in agriculture on speciality 06.02.04. “Private zootechny; livestock production technology”, subject: “Productive and interior peculiarities of sur karakul sheep of different etological types”.

Key words: karakul sheep, sur colouring, etological types, etogram, interior, physiological condition, functional activity, growth, development, productivity.

Objects of investigation: pure bred karakul sheep and lambs of sur colouring of different etological types and age groups.

Purpose of work: investigation of productive and interior peculiarities of sur karakul sheep of different etological types in the conditions of pasture maintenance.

Methods of research: zootechnical, etological, biological, statistical.

The results obtained and their novelty: For the first in the conditions of pasture maintenance the resemblance and distinctions of productive and interior peculiarities of sur karakul sheep of different etological types were investigated and revealed. The superiority of sheep and its generation of first etological types according to the use and digestibility of pasture fodder, productive, interior peculiarities, indexes of growth and development has been scientifically well – grounded et was investigated that sheep of given type have the superiority in comparison with sheep of 23 types according food activity on 5, 7 - 12, 0%, fertility in 5-10%, daily milk productive on 40-115g. wool productivity on 8,7-16,4%; they had better saturation of blood with erythrocytes, hemoglobin, total protein – that indicates about better proceeding in their organisms of oxidizing - deoxidizing processes.

Practical value: The use of etological differentiation of karakul sheep in the selection word promotes for the better use of pasture fodder and effective digestion of nutritive substances, increasing meat, wool and milk productivity and level of profitableness on 7,4 – 8,5%.

Degree of embed and economical efficiency: The results of investigation can be successfully applicated in all karakul husbandry. At present, they are successfully introduced in the karakul husbandry “Istiklol” (the former by F. Khodjaev) in Navoi region and provides the additional profit from 1 sheep about 1476, 2 – 22301, 7 sum.

Field of application: The karakul sheep branch of agriculture in the Republic Uzbekistan.